

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Самарқанд давлат университети  
илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича профессор в.б. Б.Файзиев



2020

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Миллий Университети  
хуzuридаги Биофизика ва биокимё  
институти директори  
академик Р.З.Сабиров



2020

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ВА САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ОДАМ ВА ХАЙВОНЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ ВА БИОКИМЁ<sup>1</sup>  
КАФЕДРАСИ ЎРТАСИДА 2020-2024 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎЗАРО  
ҲАМКОРЛИК ТЎГРИСИДА

ШАРТНОМА № 35

2020 йил “14” науёл

Тошкент шаҳри

Мазкур шартнома бир томондан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги кошидаги биофизика ва биокимё институти директори Р.З.Сабиров (кейинги ўринларда – Университет), иккинчи томондан, Самарқанд давлат университети номидан ....., кейинги ўринларда “Гомонлар” деб юритилади, биология (одам ва хайвонлар физиологияси ва биокимё) соҳасини ўзлаштиришни такомиллаштириш масадида ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1. 2020-2024 ўкув йиллари давомида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Биофизика ва биокимё институти ва Самарқанд давлат университети Одам ва хайвонлар физиологияси ва Биокимё кафедраси ўртасида ҳамкорлик асосида юқори малакали кадрлар тайёрлашни амалга ошириш.

### 2. Умумий қондалар

2.1. Томонлар куйидаги йўналишларда ҳамкорлик алокаларини олиб боради:

- юқори малакали илмий педагогик кадрларни тайёрлашни ташил этиш;
- таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, кадрлар тайёрлашнинг максадли параметрларини шакллантириш, талабаларнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқикот институтларида амалиётини ташкил килиш;
- Таълим, илмий ва маъмурий фаолиятнинг ягона ахборот маконини яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини жиҳозлаш, контент билан тўлдириш. Янги ўкув адабиёти, ўкув кўлланмалари, дарслерлар, ўкув-услубий кўлланмалар, илмий мақолалар ва луғатларни биргаликда тайёрлаш ва уларни нашр эттириш.
- Ўзаро манбаатли мавзулар бўйича маъruzalар ўкиш, биргаликда илмий-тадқикот ишларини ўтказиш, семенарларда катнашиш;

- институт моддий-техник базани модернизация килиш ва мустаҳкамлаш, лабораторияларни замонавий ўкув-илмий ускуналар билан жиҳозлаш;
- мустакил изланувчилар ва докторантларга ўзаро илмий раҳбарлик килиш;
- кадрлар тайёрлашда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда ахборот ва иш тажрибаларни ўзаро алмашиш ва такомиллаштириш;
- илмий ҳодимларнинг ва илмий педагогик ҳодимларнинг биргаликда малака оширишда иштирок этиш, аспирантлар ва докторантларни ўқитиши;

### **3. Томонларнинг хуқук ва мажбуриятлари**

#### **3.1. ЎзМу ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтининг хуқук ва мажбуриятлари:**

- ташкилот етакчи мутахассислари томонидан ихтиосолик фанларидан маъruzалар ўқиш оркали таълим жарабёнида иштирок этишлари учун шароитлар яратиш;
- илмий лабораториялари ва бўлимларига машғулотларни ҳамда малакавий амалиётларни ўташ учун юборилган талабаларни шартномага биноан қабул қиласи ва шароит яратиб беради;
- лаборатория мудирлари, бўлим бошликлари томонидан амалиёт ўтувчи талабаларга тажрибали ҳодимлардан мураббийлар тайинланади;
- амалиётни ўтишда олий таълим муассасаси билан келишилган ой-кунлик иш жадвалига амал килиш;
- талабаларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа хужжатлардан фойдаланиш имкониятни бериш;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мажбурий кўрсатмалар бериш, зарур бўлган ҳолларда талабаларни меҳнатнинг хавфсиз усуllibарига ўргатиш;
- амалиётчи талабаларга замонавий моддий техника базасидан фойдаланиш имкониятини яратиш;
- амалиёт тутаганидан сўнг, унинг натижаси бўйича ҳар бир талабанинг дафтарига унинг амалиёт ўташ давомида эришган ютуқ ва камчиликлари кўрсатилган ҳолда амалиёт натижаларини баҳолашни амалга ошириш;
- иш ўрганиш амалиёти тугагач, талабанинг шахсий хислати, ишchanлик қобилияти ва камчиликлари, танлаган касбига муносабати ҳакида юкори технологиялар ўкув-тажриба маркази томонидан тавсифномалар тузиб, имзоланади.

#### **3.2. Самарқанд давлат университети Одам ва хайвонлар физиологияси ва Биокимё кафедраси хуқук ва мажбуриятлари:**

- амалиёт бўйича тегишли ўкув йили учун бўйруклар чикариш ва малакали мутахассис ўқитувчилардан раҳбарларни тайинлайди;
- амалиётни ўташ учун ЎзМу ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтига юборилаётган талабалар ҳамда амалиёт ҳакидаги маълумотларни амалиёт бошланишидан бир ой олдин кечикмасдан юборади;
- амалиётни ўташ учун юборилаётган талабаларни амалиёт бўйича кундаликлар “Техника хавфсизлиги койдалари” эслатмаси ва бошқа зарур бўлган хужжатлар билан таъминлайди;
- ЎзМу ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтидан белгиланган раҳбарларни амалиёт ластури ва календар режаси билан таъминлайди;
- талабалар амалиёт билан боғлиқ вужудга келган бошқа муаммоларни ўз вактида ва самарали ечимга амалий ёрдам кўрсатади;
- ЎзМу ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти илмий ҳодимларини ўкув месъёрий хужжатларини ва янги авлод ўкув адабиётларини яратишга жалб қиласи;
- университетда кутубхона, лаборатория ва бошқа илмий объектлардан бевосита фойдаланиш имкониятларини яратиб беради;

4.1. Мазкур шартнома 5 йил муддатга тузилади. Агар томонлардан бири келгусида мазкур шартнома юзасидан фикр-мулохаза билдиримаса, шартнома кейинги муддаттагача ўз кучини сақлаб қолади.

### 5. Кўшимча шартлар

- томонлар мазкур шартномада курсатилган хамкорликдаги тадбирларни ва вазифаларини амалг а ошириш учун бир-бирларидан зарур булган маълумот хамда ахборотларни олишлари мумкин.
- бир томоннинг талаби бевосита бошқа бир томоннинг фаолиятига дахлдор бўлиб, унинг амалга оширилиши унинг фаолиятига зарар келтириш билан боғлик бўлса, талабни қабул килган томон, уни бажаришни рад этиш хукукига эга.
- томонлар мазкур шартномада кайд этилган тадбирларни бажарилишини ташкил этиш бўйича маҳсус комиссия тузадилар ва ушбу комиссиянинг бир йилда камиди икки марта ўтказиладиган йигилишларида шартноманинг ижросини мухокама килиб борадилар.
- ушбу шартнома бўйича ишлар узаро иктисадий хисоб-китобларсиз олиб борилади. Зарурат тугилганда томонларнинг пуллик хизматларида кушимча келишув тузилади.
- хамкорлик килувчи томонлар шартнома биргаликда бажарилган ишлар асосида олинган нагижаларининг бошқа гашкilotларга томонларнинг руҳсатисиз бериб юбормасликларини уз зиммаларига олади.
- шартноманинг амал килиш муддати 2020 йилдан 2025 йилгача.
- шарғноманиш амал килиш муддати икки томоннинг розилиги билан узайтирилиши мумкин.


### 6. Шартноманинг якуний қондалари:

- шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилиб, имзоланган кундан бошлаб кучга киради;
- шартноманинг амал килиш муддати 2024 йилгача бўлиб, икки томоннинг розилиги билан ўзгартирилиши ёки узайтирилиши мумкин;
- шартнома икки томоннинг розилиги билан ёки бир томоннинг шартнома шартларини бажармаган холда бекор килиниши мумкин;
- шартномага хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар иккала томоннинг ёзма шаклдаги келишувига асосан киритилади;
- мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, уларнинг иккаласи хам бир хил хукукий кучга эга.

Тарафларнинг манзиллари ва реквизитлари:

Самарқанд давлат университети

Биология факултети декани

 проф.Х.О.Кедиев

Одам ва ҳайвонлар физиологияси ва  
биокимия кафедраси мудири, доц.

 Кузиев М.С.

Манзил: 140104 Самарқанд шаҳри,  
университет ҳиёбони 15

тел: 239-13-05    факс: (998 66) 239-11-40

“ \_\_\_\_ ” 2020 й.

ЎзМУ хузуридаги  
Биофизика ва биокимё  
институти,

Электрофизиология  
лабораторияси мудири  
б.ф.д., профессор  
Насиров Кабил  
Эркинович  


“ 15 ” 11 2020 й.